



№45 (898)
2025 йил 27 май,
сешанба

О‘ЗБЕКИСТОН BUNYODKOR

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbyunodkor t.me/uzbyunodkor uzbyunodkor info@uzbyunodkor.uz uzbyunodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

МАҲАЛЛИЙ САНОАТ РИВОЖИ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 май куни маҳаллий саноатни ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бугун дунёдаги тебранишлар шароитида ҳар бир давлат, аввало, энг кўп иш ўринлари яратадиган соҳаларни ҳимоялаш чораларини кўраётти. Мамлакатимизда тўқимачилик, қурилиш материаллари, мебелсозлик ана шундай соҳалардир – уларда 1 миллионга яқин аҳоли ишламоқда.

Ўтган 4 ойда юртимизда саноат 6,3 фоизга ўсиб, 290 триллион сўмга етган. Экспорт 20 фоизга ошди, 6 миллиард 350 миллион долларни ташкил этган.

Йиғилишда маҳаллий саноатни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Бу борадаги ҳолат туман ва тармоқлар кесимида таҳлил қилиниб, камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Масалан, тўқимачиликда 7 мингта яқин тадбиркор 500 дан зиёд турдаги маҳсулотлар чиқараяпти. Айримлари нуфузли брендларга кийим-кечак етказиб бераёпти.

Лекин кўпчилик сифатга ишалаётгани билан бунни кўрсатиб бера олмапти. Ҳозиргача фақат 244 та корхонамида халқаро сертификат бор, холос. Уларнинг ҳам қатта қисми Тошкент ва водий вилоятларида бўлиб, бошқа ҳудудларда бармоқ билан санари.

Ўзбекистон Президентининг фармонида кўра, нафақат халқаро сертификат олиш, балки корхонани бунга мослаштириш харажати ҳам қоплаб берилиши белгиланган. Бундан фойдаланиб, имкониятларни тадбиркорларга етказиб, ҳар бир вилоятда халқаро сертификатга эга корхоналарни кўпайтириш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари бу борада муҳим ташаббусни илгари сурди. Ўзбекистонда Миллий брендларни қўллаб-қувватлаш компанияси ташкил қилинди. Унга хориждан бренд-менеджер, дизайнер, маркетинглар жалб этилиб, миллий брендларимизни жаҳон бозорига олиб чиқишга қўмақлашди. Халқаро сертификати бор, рақобатбардор маҳсулотларга сифат белгиси берилиб, дунёда кенг тарғиб этилади.

Юртимизда миллий маҳсулотлар бир жойда сотиладиган савдо марказлари йўқ. Шу боис энди ҳудудларда “Mall of Uzbekistan” мажмуалари барпо этилади. Улардаги савдо дўконлари тадбиркорларга минимал нархда ижарага берилади. Бундай марказлар харидорларга кенг танлов имконини бериб, хорижий туристларга ҳам қулай бўлади.

Ҳозирги мураккаб шароитда ўзимизда бор хомашини чуқур қайта ишлаб, қўшилган қийматни кўпайтириш – энг асосий масала. Шу мақсадда, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун факторинг тизими жорий қилинди, бунга 100 миллион доллар ажратилди.

Шунинг давоми сифатида, энди тўқимачилик корхоналари ип-калавани факторинг асосида соддалашган тартибда сотиб олиши мумкин бўлади.

Маҳаллий саноатдаги яна бир салоҳиятли йўналиш – мебелсозлик. Бу тармоқда 7 минг 500 та корхона ишлаб турибди. Ўтган йилнинг ўзида 920 та янги корхона очилган. Соҳада 6 триллион 700 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 20 миллион долларлик мебел экспорт қилинган.

Тадбиркорларимиз бундан кўпига ҳам қодир. Шу мақсадда уйдаги хунармандликдан саноатлашган босқичга ўтиш истагида юрганлар анча.

Шу боис, энди 5 нафаргача ишчи олганларга яқин тадбиркор сифатида мебел ишлаб чиқаришга рўхсат берилади. Ушбу фаолиятни бошлаш, кенгайтиш истагида юрган ёш тадбиркорларга 7 йилга 5 миллиард сўмгача 18 фоизли кредит ажратилади.

Мабелчиликка иқтисодлашган Шароф Рашидов, Янги Наманган, Пастларғом, Ўрта Чирчиқ, Қува, Бувайда, Юнусобод ва Учтепа туманларида Хонка тажрибаси асосида мебелчилик марказлари ташкил этилади.

Соҳадаги кичик бизнес вакиллари чет элдан материаллар олиб келишда қийналиши

мумкин. Уларга бу борада қўмақлашиш, транспорт харажатларини энгиллаштириб, хомашини арзон етказиб бериш мақсадида ёғоч ва ёғоч материалларини марказлашган ҳолда олиб келиш ташкил этилади. Бунда монополияга йўл қўйилмайди, аксинча бозорда танлов имконияти ошади. Тадбиркорлар нархи ва эҳтиёжга қараб, ушбу арзонлаштирилган ёғочдан ёки бошқа таъминотчидан сотиб олиши ёки чет элдан ўзи келтириши мумкин бўлади.

Шунингдек, 14 турдаги хомашё, фурнитур, аксессуар учун 3 йил муддатга импорт божи 1 фоиз этиб белгиланди.

Экспорт фаолиятини рағбатлантириш мақсадида мебелчиларга халқаро сертификат олиш харажатининг ҳамда хориждан жалб қилган дизайнер, маркетинг, муҳандис-технологлар иш ҳақининг ярми қоплаб берилади. Халқаро кўргазмаларда ижара пули компенсация қилинадиган майдон ҳозирги 20 квадратдан 40 квадрат метрга оширилади.

Юртимизда азалдан қадрланган заргарлик бугун иқтисодиётда қўшимча драйвер бўлиши мумкин. Ўтган йили бу тармоқда ишлаб чиқариш 200 миллион доллардан ошган, экспорт 17 фоизга ўсиб, 92 миллион долларга етган.

Лекин бу йилга 100 тоннадан зиёд олтин казиб олинмаган. Ўзбекистондаги имкониятларнинг ўндан бири ҳам эмас. Шу боис бу соҳада ҳам қўшимча энгиллаштириш белгиланди.

Энди заргарлар ҳам яқин тадбиркор сифатида тилла буюмлари савдоси билан шўғулланиши мумкин бўлади. Чет элдан мутахассис олиб келиш харажатининг 2,5 минг долларгача қисми камида 5 нафар шогирд чиқариш шарти билан қоплаб берилади.

Бу соҳада ҳам саноат усулига ўтиш ва миллий брендларни қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилади. Хусусан, заргарликда ишлатиладиган ускуналар ва уларнинг бутловчи қисмлари импорт божидан озод қилинади. Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатларидан олтинни бўлиб тўлаш асосида сотиб олиш тартиби яна 3 йилга узайтирилади. Нуфузли брендлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, уларнинг дизайни ва қоплини олиб келиш харажатининг 30 минг долларгача қисми қоплаб берилади.

Туркия, Дубай ва Миср тажрибаси асосида Тошкент, Андижон ва Хивада заргарлик марказлари очилди. Энди бундай мажмуалар бошқа ҳудудларимизда ҳам босқичма-босқич ташкил этилади.

Заргарларни хомашё билан барқарор таъминлаш учун бу йил биржага чиқариладиган олтин ҳажми 6 тоннадан 8 тоннага оширилади. Барча ҳудудларда олтин захираси яратилади.

Бунга жавобан, тармоқда “яширин иқтисодиёт” улушини қисқартириш, қонуний фаолиятга рағбат чораларини қўллаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бунёдкорлик қўлами кенг бўлган юртимизда қурилиш материаллари талаб юқори. Ҳозирги кунда бу тармоқда 10 мингта яқин корхона фаолият юритмоқда. Эндиги муҳим вазифа сифат ва харидорчиликни таъминлаш.

Шу боис бунёдкорлик ишларида маҳаллий материаллардан кенгроқ фойдаланиш, девелоперларга айланма маблағ учун кредит ажратиш орқали бунни қўллаб-қувватлаш зарурияти қайд этилди.

“Шаффоф қурилиш” платформасида қурилиш материаллари корхоналари реестрини ташкил қилиб, у орқали сифат рейтингини юритиш вазифаси қўйилди.

Маҳсулотлар таннархини туширишда энергия иқтисоди жуда долзарб. Шунинг учун энергия ва ресурс сарфи юқори йўналишларни таҳлил қилиб, тежамкор инновацион ечимларни қўллаш муҳимлиги қайд этилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ва тадбиркорларнинг тақлифлари эшитилди.

Ў.А.

Паоло МАТТЕУЗЗИ:

“Zaha Hadid Architects” КОМПАНИЯСИНING Янги Тошкент қурилишида иштирокидан мамнунмиз



6-бет

ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида Жаҳон банки лойиҳа координатори Yorn Xuenteleer бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.



Унда вазир ўринбосари Озода Жўраева, “Исикликтаъминоти” АЖ бошқаруви раиси Илхом Тураев ва бошқа мутасаддилар иштирок этдилар. Учрашувда кўп қаватли уйларнинг энерго-самардорлигини таъминлаш

дастурийнинг лойиҳавий моделини ишлаб чиқиш, Жаҳон банки кўмағида амалга ошириладиган ишларнинг йўл-харитасини тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари Азлар Содиқов бошчилигида тегишли ташкилотлардан тузилган ишчи гуруҳ томонидан Сирдарё вилояти Боёв туманида қад ростлаётган “Янги Ўзбекистон” массивидаги кўп қаватли тузар жой биноларининг сейсмик ҳолатлари қай даражада талабга жавоб бериши бўйича ўрганиш олиб борилди.



А. Содиқов қурувчи-пудрат ташкилот раҳбарларига бино-иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги бўйича 405-сонли Хукумат қарори талабларига қатъий амал қилиниши, қурилишда сифат ва хавфсизлик биринчи ўринда экани ҳамда бу йўналишда қонунийликни таъминлаш, соҳага илмий-техник ёндашувни кучайтириш заруриятини таъкидлади.



Кореянинг йирик қурилиш уюшмаларидан бири – Korea Specialist Contractors Association (KOSCA) делегацияси Компетенцияни ривожлантириш институтига ташриф бурди.

Ташриф давомида меҳмонлар институтининг қурилиш соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлаш ва малака ошириш йўналишидаги ишлари билан танишди. Томонлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида келишиб

олидилар. Малака ошириш дастурийларини ривожлантириш, замонавий ўқув курсларини ишлаб чиқиш, ўзаро малака ва тажриба алмашувларини ташкил этиш каби ишлар жумласидандир.



Самарқанд вилояти ҳоқими вазифасини бажарувчи Адиз Бобоев виллоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида журналист ва блогерлар, ижтимоий тармоқ фаоллари билан учрашув ўтказди.

Унда Адиз Бобоев виллоятдаги қурилишлар, шаҳардаги тирбандликларга ечим топиш, алломалар мангу қўним топган манзилларни обод қилиш, Ширин шаҳарчаси, темирйўлортидаги бузилиш ишлари, Маҳдуми Аъзам, Мотуридий зиратгоҳларидаги ободонлаштириш, Ургут туманига олиб бориладиган темирйўл қурилиши борасида маълумот бериб, эндиликда қурилиш ишлари халқ билан бамаслаҳат амалга оширилишини таъкидлади.

“Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига жорий йилнинг биринчи чораги давомида жисмоний ва юридик шахслардан жами 1174 та мурожаат қабул қилинган. Шундан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ҳамда халқ қабулхоналари орқали 466 та мурожаат йўлланган бўлса, 708 таси вазирликнинг “edo.ijro.uz” электрон ҳужжат айланиш тизими орқали рўйхатга олинган.

Текшириш натижаларига кўра, 697 таси ижобий ҳал этилган бўлиб, 313 тасига тушунтириш берилган ҳамда қолган мурожаатлар тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилган.

4

Қурилиш соҳаси янги босқичга чиқмоқда

Адхам ЭГАМБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ўтган ҳафтада қурилиш-пудрат ташкилотлари ва девелоперлар иштирокида ўтказилган очик мулоқот Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Шерзод Ҳидоятловнинг кириш сўзи билан бошланди.



Вазир ўз нутқида 2017 йилдан буён қурилиш соҳаси, хусусан, уй-жой барпо этишда кескин ўзгаришлар юз берганини қайд этди. Давлат раҳбарининг сиёсий иродаси ва шахсий ташаббуси билан жойларда қурилиш ишлари кенг қўламда бошланган. Натижада бир неча йил ичида юзлаб янги массив ва шаҳарчалар қад ростлади.

Сўнгги уч йилда 4 920 та уйда 221 мингдан ортиқ хонадон фойдаланишга топширилган. 2022 йилда ташкил этилган 29 та "Янги Ўзбекистон" массиви сони 2024 йилда 52 тага етди. Уларда 803 та кўп қаватли уй қурилиб, 28 минг

хонадон фойдаланишга топширилди. Жорий йилда бу кўрсаткич 135 минг хонадонга етказилиши режалаштирилмоқда.

Шунингдек, мулоқотда вазир соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлар билан бевосита ва очик муҳокамалар тизимдаги муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этишда самарали восита бўлаётганини таъкидлади. Айниқса, янги тартиб – эскроу тизимининг жорий этилиши мулоқот марказида бўлди. 2025 йилнинг 1 июлидан бошлаб кучга кирадиган ушбу тизим қурувчи ва мижоз ўртасидаги улуш шартномалари-



ни нотариус орқали расмийлаштириш ҳамда кадастрда рўйхатдан ўтказишни талаб қилади. Эскроу механизми харидорнинг тўлов маблағларини банкда алоҳида ҳисобда сақлаш, фақат қурилиш белгиланган босқичга етгач пулни қурувчига ўтказиш тамойилига асосланади. Бу эса, хонадонларнинг ўз вақтида ва кафолатли топширилишини таъминлайди.

Тадбирда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Марказий банк ҳамда Қурувчилар ассоциацияси вакиллари иштирок этиб, янги тизимнинг ҳуқуқий асослари, молиявий механизмлари ва амалий тарафлари ҳақида батафсил тушунтириш беришди. Девелоперлар, лойиҳа буюртмачилари ва тадбиркорлар томонидан эскроу тизими бўйича қўллаб-қувватловчи саволлар берилди. Жумладан, тўловларнинг банк орқали амалга оширилиш тартиби, шартномаларнинг ҳуқуқий кучи, сотув жараёнида иштирок этувчи томонларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари муҳокама қилинди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси вакили Комилжон Ханнаров тизимнинг афзал жиҳатлари ва мавжуд ҳолат ҳақида қўйидаги фикрларни билдирди:

– Аслида, бир неча инсофсиз тадбиркорлар тўғрисида бутун соҳага шубҳа уйғониб қолади. Шу сабабли, доимий ишонч муҳитини шакллантириш, фуқароларнинг маблағларини кафолатловчи тизимга эҳтиж пайдо бўлаётган эди. Эскроу тизимининг жорий қилиниши соҳадаги ҳам янги кадам, ҳам хавф-

сизлик қафолати бўлиши кутилмоқда. Ҳозир лойиҳанинг ҳуқуқий, ташкилий асосини яратяпмиз. Уйлайманки, тизим барча учун манфаатли бўлади.

Очик мулоқот натижалари шуни кўрсатдики, эскроу тизими фақат хавфсизликни таъминлаб қолмай, балки қурилиш соҳасида тартиб ва ишонччи ҳам мустаҳкамлайди. Тизим орқали хаминлайди.



ридор ва қурувчи ўртасидаги муносабатлар қонуний асосда йўлга қўйилди, ҳуқуқий ҳимоя ва молиявий кафолатлар аниқ белгиланган бўлади.

Бугунги қурилиш соҳаси – бу нафақат бино ва девор, балки фуқаролар ишончини оқлайдиган, давлат сиёсатини ифода этадиган, иқтисодий барқарорликни таъминлайдиган муҳим соҳадир. Очик мулоқотда бу ёндашув яна бир бор ўз таъдирини топди.

Институтда имкониятлар катта

Ҳамза ШУКУРОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Муҳандислик, геодезия, геология қидирувлари билан шуғулланувчи мутахассислар зиммасида қатор муҳим вазифалар мавжуд. Жумладан, бу соҳа эгалари шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, инженерлик-геофизик ишлари, бино-иншоотлар инженерлик, геотехник тадқиқотлари, бинолар лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, гидрометеорологик, гидротехник, геофизик, экологик ҳолатларни ўрганишди. ЗД сканерлаш ва объектларни моделлаштириш, аэрофотосуратларни тайёрлаш каби ишларни ҳам ўз вазифалари деб билишади.

"O'zGASHKLIT" МЧЖ лойиҳа-қидирув институтининг Самарқанд вилояти филиали юқори малакали кадрлар ва кучли моддий-техник базага эга. Жамоа асосан давлат буюртмаси бўйича амалга ошириладиган лойиҳаларнинг муҳандислик-қидирув ишларини бажариш, шаҳарсозлик фаолиятини юритишга оид топшириқларни амалга оширишдек мураккаб жараёнларни бажариб келмоқда.

Бу каби ишларни амалга оширишда замонавий асбоб-ускуналар ҳамда илмий-амалий тажрибаларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Бу ишларни бажариш учун филиалнинг ўз лабора-

торияси бор. Ушбу лаборатория ёрдамида тупроқ қатлами билан боғлиқ ва ер ости сувлари ҳолати тадқиқ этилиб, қурилишга хулоса берилади. Жамоа мутахассислари томонидан ҳар қандай қурилиш бошланганидан олдин унинг муҳандислик-геологик, геотехник, экологик ва бошқа ҳолатлари ўрганилиб, хулоса берилиши иш сифатига ҳар томонлама ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, айти пайтда дунёнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорлик қилаётган "O'zGASHKLIT" жамоаси ҳар қандай иншоот учун хулоса бериш имкониятига эга.

"Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари бинолари жорий таъмирланди

Марат УЛПЕТОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси Инфратузилмани ривожлантириш бўйича бош мутахассиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, аҳолига давлат хизматларини янада самарали ва қулай етказиш мақсадида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, ушбу йилда Қорақалпоғистоннинг бир қатор туманларидаги "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари биноларини жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бунинг учун Агентликнинг жамғармалари ҳисобидан 5,4 миллиард сўм маблағ ажратилди. Таъмирлаш ишлари доирасида биноларнинг том қисми, фасад қисми, ички муҳит ва муҳандислик-коммуникация тизимлари тўлиқ янгиланди.

Барча қурилиш ва таъмирлаш ишлари белгиланган муддатларда, сифати ва талабларга мувофиқ тарзда яқунланди. Қорақалпоғистон Республикаси Ижтимоий ҳимоя худу-

дий бошқармаси бошлиғи Сайлаубай Данияров лойиҳани амалга ошириш жараёнини шахсан назорат қилиб, яқиний натижаларни ижобий баҳолади.

– Бугунги кунда халқимизга муносиб ижтимоий хизмат кўрсатиш ҳар биримизнинг олдимизда турган асосий вазифадир. Жорий таъмирлаш ишлари орқали "Инсон" марказлари янада самарали ва инсон қадрини улуғлайдиган масканларга айланади, – деди Сайлаубай Данияров. Мазкур ишларнинг асосий мақсадларини энг олий ўринга қўйишга қаратилган давлат сиёсатининг яна бир амалий ифодасидир.

Сувни тежаш – ҳаётни асрашдир!

Ҳаётбек ДЖУМАНИЯЗОВ, Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси.

Сувни тежаш, уни оқилона сарфлаш ва ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир. Айниқса, ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш ва сувдан оқилона фойдаланиш вазифасига ҳар бир фуқаро масъулият билан ёндашиши керак.

Хоразм вилоятида ичимлик суви таъминотини назорат қилиш ва ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси томонидан доимий равишда мониторинг ишлари олиб борилмоқда.

Худуд географиясига назар ташласак, Хоразм вилояти аҳолиси учун ичимлик суви манбаларининг самарали бошқарилиши муҳим аҳамият касб этади. Вилоятда аҳоли ва санъат эҳтижлари учун ичимлик суви етказиб бериш тизими мунтазам равишда такомиллаштирилмоқда. Шунга қарамай, айрим ҳолларда сувдан ноқонуний фойдаланиш ва ортиқча сарф-харажатлар кузатиляпти. Мазкур ҳолатларга барҳам бериш мақсадида худудий инспекция томонидан жорий йилнинг ҳозирги вақтига қадар ўтказилган назорат тадбирлари натижасида ичимлик суви билан

боғлиқ жами 164 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланган.

Ушбу қонунбузарликлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддалари билан ҳуқуқбузарларга жами 456,4 миллион сўм миқдорида жарама қўлланилди. Бундан ташқари, худудий инспекция томонидан аҳолининг сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш бўйича хабардорлигини ошириш мақсадида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, жамоат жойларидаги ташқи реклама жами 129 та тарғибот тадбири ўтказилди.

Ичимлик суви – ҳаёт манбаи. Уни тежаш, ҳар бир томчисини қадрлаш келажак авлодга соғлом экологик муҳитни таъминлашнинг энг муҳим шартидир. Шу сабабли, барча юрдошларимизни ичимлик сувини асраб-авайлашга, ундан оқилона фойдаланишга чақирамиз.

КЕЛГУСИ ЙИЛДА 9 452 ТА МАҲАЛЛА ЧЕГАРАСИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎЛИҚ ЯҚУНЛАНАДИ

АОКАда Кадастр агентлиги раҳбарияти иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида 937-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан батафсил маълумот берилди. Янги қонунга асосан, бугунги кунга қадар ишлар жадал олиб борилмоқда.

Хусусан, ўзбошимчилик билан қурилган уй-жойларга ҳуқуқларни эътироф этиш ишлари рақамлаштирилди. Яъни, хатлов ишларини олиб бориш учун "ХАТЛОВ" тизими, ҳужжатларни келишиш учун "ЭЪТИРОФ" тизими ишга туширилди.

"ЭЪТИРОФ" тизими 6 та давлат ташкилотига интеграция қилиниб, 22 та идоранинг 4 минг нафар ходимига фойдаланиш имкони яратилди. Қонунга асосан, ҳоқимлар билан бирга маҳаллабай хатлов ўтказиш режаси тасдиқланиб, хатлов ишларига 4,5 минг нафар кадастр ходими жалб қилинди. Ҳозирда 1 124 та маҳалла чегараларига аниқлик киритилган бўлса, келгуси йилда 9 452 та маҳалла чегарасини белгилаш тўлиқ яқунланади.

Шунингдек, аввалги хатловларда йўл қўйилган камчиликларнинг олдини олиш мақсадида, хатлов ишлари 2 босқичда (дала ва камерал ишлар) амалга оширилмоқда. Бу жараёнда ҳужжатсиз объектлар билан бирга ҳужжати бор объектдаги ўзгаришлар ҳам ўрганиляпти. Яъни, умумий хатлов ўтказилиши натижасида ҳар бир хонадон ва ҳар бир қарич ер тўлиқ ўрганилади.

Бугунги кунга қадар 300 737 та объект хатловдан ўтказилиб, қонун доирасида ўрганилиши лозим бўлган 121 416 та объект ваколатли ташкилотларга кўриб чиқиш учун киритилди.

Шундай қилиб, янги тизимда амалга ошириладиган 5 босқичли жараён қуйидагича:

1-БОСҚИЧ: МАҲАЛЛАЛАР ЧЕГАРАСИНИ АНИҚЛАШ.

2024-2025 йилларда 3 799 та маҳаллада хатлов ўтказилиши белгиланган. Аввалги хатоликлар тақдорланмаслиги учун янги услубий ёндашув ва ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди. 2 000 та маҳалла аниқ чегараланиб, "УЗКАД" тизимига киритилди.

2-БОСҚИЧ: КЎЧМАС МУЛКЛАРНИ ХАТЛОВДАН ЎТКАЗИШ.

3 000 га яқин ходим иштирокида 300 мингдан ортиқ объект жойида ўлчаниб, ҳужжатлар шакллантирилди. Ҳар бир объект бўйича йингма жилдлар тузилмоқда. Ишлар "Хатлов" ахборот тизимида юритилияпти.

3-БОСҚИЧ: "УЗКАД" ТИЗИМИГА МИГРАЦИЯ.

219 мингдан ортиқ объект "Хатлов"дан "УЗКАД" тизимига ўтказилди. "УЗКАД" давлат томонидан кафолатланган ягона ахборот тизими бўлиб, кўчмас мулклар ҳақидаги барча маълумотлар шу тизимда жамланади.



4-БОСҚИЧ: ОБЪЕКТЛАРНИ "УЗКАД" ТИЗИМИДА ФАОЛЛАШТИРИШ.

193 мингдан ортиқ объект тизимда фаоллаштирилди. Ҳар бир объект бўйича 8 босқичли текширув ва маълумотлар киритиш ишлари олиб борилмоқда. 35 турдаги техник-ҳуқуқий кўрсаткичлар тизимга киритилган.

5-БОСҚИЧ: ҲУҚУҚЛАРНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ.

"Эътироф" ахборот тизими орқали объектлар идоравий муҳокамага чиқарилмоқда. Ҳозирда 122 минг объект муҳокамага юборилган, 13 мингдан ортиғи жамоат-

чилик муҳокамасига чиқди. 539 та объект бўйича ижобий хулоса берилиб, 221 таси учун тўловлар амалга оширилди, 389 таси бўйича маҳаллий Кенгашилар қарор чиқарди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур тизим нафақат кўчмас мулкларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, балки юрдошларимизга барқарор яшаш, тадбиркорлик қилиш, кредит олиш имкониятларини ҳам яратиши билан мақсадга мувофиқдир. Айти пайтда жараён давом этмоқда ва барча вилоят, туман, шаҳарлар бўйича ишлар босқичма-босқич амалга оширилади.

Ўз мухбиримиз.

ТОШКЕНТ ТОЗАЛИГИ



Фарангиз ҚУРБОНОВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан пойтахтимиздаги маиший чиқиндиларни бошқариш тизими билан танишиш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун пресс-тур ташкил қилинди.

РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНИШ ДЕПАРТАМЕНТИ

Пресс-тур иштирокчилари дастлаб Рақамли ривожланиш департаменти фаолиятини кўздан кечиришди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги хузуридаги мазкур департамент томонидан чиқиндиларни йиғиш ва ташиш жараёнларини автоматлаштириш, шаффофликни таъминлаш мақсадида янги рақамли тизим яратилган. Мазкур тизим орқали бугунги кунда "Махсустрас ишлаб чиқариш бошқармаси" давлат унитар корхонаси билан ҳамкорликда ташкил қилинган платформа ёрдамида чиқинди ташувчи транспорт воситалари, юк ҳажми, ёқилги сарфи ва чиқинди йиғиш пунктлари устидан реал вақт режимида тўлиқ назорат олиб борилмоқда. Тизим ёрдамида махсус техникалар белгиланган вақтда ва белгиланган йўналишда ҳаракатланаётгани тўғрисида тўғри мониторинг қилинади.

Эндиликда чиқиндилар тарози қурилмалари орқали автоматик тарзда тортилади ҳамда уларнинг оғирлиги диспетчер иштирокида, тўлиқ автоматлаштирилган ҳолатда аниқланади, - деди Тошкент шаҳар ҳокимининг ахборот технологияларини жорий этиш бўйича котибият мудири Бобур Аб-



дурахимов. - Бу эса, инсон омилини камайтириш ва хатоларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Корхоналар, ташкилотлар ва маҳаллалардан чиқиндиларни белгиланган муддатларда олиб чиқиш жараёни ҳам доимий равишда онлайн кузатиб борилади. Агар транспорт воситаси белгиланган йўналишдан оғса, бу ҳолат алоҳида ҳисобот сифатида қайд этилиб, масъул шахсларга зудлик билан етказилади.

Шунингдек, тизим чиқиндилар ҳажми ва ёқилги сарфи бўйича ҳам автоматик тарзда батафсил ҳисоботлар шакллантириб, ҳар бир қатновни аниқ рақамлар билан акс эттириш имконини беради. Ҳаракат жадвалига қатъий амал қилиниши таъминланиб, транспорт воситаларининг қатнови устидан узлуқсиз назорат йўлга қўйилган. "Махсустрас ишлаб чиқариш бошқармаси" давлат унитар корхонаси ўз филиаллари фаолияти юзасидан умумий тахлил ҳисоботлар тайёрлайди. Бу ҳисоботлар асосида тизимда мавжуд камчиликларни аниқлаш, самарадорликни ошириш

ҚАЙТА ЮКЛАШ ВА УТИЛИЗАЦИЯ: ЮНУСОБОД ТУМАНИ ТАЖРИБАСИ

Пресс-тур иштирокчиларининг кейинги манзили - Юнусобод туманидаги "Чиқиндиларни қайта юклаш ва утилизация қилиш" филиали бўлди. "Махсустрас ишлаб чиқариш бошқармаси" давлат унитар корхонаси бош инспектори Исмоил Сағдуллаев филиал ҳақидаги барча саволларга батафсил жавоб берди. Филиал 1,6 гектар майдонга эга бўлиб, унда 27 нафар юқори малакали ходим фаолият юритмоқда. 2022 йилда

маиший чиқиндиларни бошқаришда замонавий ёндашувга бевосита боғлиқ



Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштирилиб, қайта реконструкция қилинган ҳамда замонавий стандартларга мослаштирилган. Бугунги кунда филиалга Тошкентнинг тўртта туманидан кунлик 800-900 тонна маиший чиқинди келиб тушади. Бу жараёни амалга ошириш учун 150-200 га яқин махсус техникадан фойдаланилади. Филиалнинг қайта юклаш имконияти эса кунига 1250-1400 тоннага етади. Чиқиндилар махсус "Марказлашган юк ташиш автоколонна" бўлими техникалари ёрдамида 17 тонналик цилиндр шаклидаги контейнерларга жойланиб, Тошкент вилоятининг Охангарон туманидаги чиқинди полигонига етказилади. Ушбу жараён экологик хавфсизликни таъминлаш ҳамда атроф-муҳитга зарар етказмасдан амалга оширилади. Кунига ўртача 47-50 қатнов бажарилади, бу эса чиқиндиларни тез ва самарали ташишни таъминлайди.

Умумий майдони 30,91 гектарни ташкил этган ушбу полигон замонавий санитария ва экологик талаблар асосида барпо этилган бўлиб, полигон ҳудудида учта асосий котлован қазилган. Умумий қазми 2,26 миллион кубометр ташиш қилади. Полигоннинг 24,62 гектар майдони бентонит ва геосинтетик материаллар билан қопланган. Бу эса чиқиндилардан чиқадиган зарарли кимёвий суюқликларнинг ерости сувларига тушишини самарали тарзда олдини олади. Шу тариқа, атроф-муҳитнинг ифлосланишини камайтириш ва экологик хавфсизликни таъминлаш мумкин.

Полигон ҳудудида кириш йўли 2,2 километрдан иборат бўлиб, хавфсизлик ва кузатувни таъминлаш мақсадида 360 даражали 8 та назорат камералари ўрнатилган. Тунгги ёритиш чироқлари полигон ҳудудини ҳар томонлама ёритиб, иш жараёнининг узлуқсиз ва хавфсизлигини таъминлайди. Яна бир эътиборга молик жиҳати - полигон ҳудудида умумий узунлиги 1,5 километр бўлган сугориш қувурлари ва 350 дан ортиқ сув пурақачларининг мавжудлигидир. Бу ишчиликчи чиқиндилар атрофини мунтазам равишда намлаш ва чангни камайтиришга хизмат қилади. Бу ерда ишчи-ҳодимлар учун қулай шароит яратиш мақсадида маъмурий бинолар, техникани таъмирлаш учун устаноналар, ёнилги қўйиш шохобчалари, лабораториялар ҳамда автотургароҳлар ҳам ташкил этилган.

Энг муҳими, полигон экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган. Чиқиндилардан ажралиб чиқадиган метан газини тўплаш ва уни қайта ишлаш учун махсус газ қувурлари ўр-

натилган. Бу ҳам чиқиндиларнинг экологик зарарини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, полигон атрофида табиий муҳитни янада бойитиш мақсадида 2000 дан ортиқ терак ва 200 дан ортиқ арча кўчатларини экиш режалаштирилган.

Охангарон чиқинди полигони - Тошкент шаҳрининг чиқиндиларни бошқаришда илгор экологик стандартларга жавоб берувчи муҳим объектидир. У нафақат шаҳар тозаллигини таъминлайди, балки атроф-муҳитни асрашда ҳам муҳим роль ўйнайди.

ХУЛОСА

Пойтахтимиздаги кунлик маиший чиқиндиларни бартарф этиш тизими билан яқиндан танишгач, бир қатор хулосаларга келидик.

Хусусан, маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва замонавий технологияларнинг жорий этилиши пойтахтни тоза ва хавфсиз сақлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Рақамли тизимлар ёрдамида чиқиндиларни йиғиш, ташиш ва утилизация жараёнлари шаффоф, самарали ташкил этилган. Юнусобод тумани филиали ва Охангарон чиқинди полигони тажрибалари бунга ёрқин мисол бўлиб, улар экологик барқарорлик ва шаҳар тозаллиги йўлида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилияпти. Ушбу ёндашув нафақат аҳолининг қулай яшаш муҳитини таъминлайди, балки келажак авлодлар учун соғлом ва хавфсиз табиатни асрашга ҳам қатта ҳисса қўшадиган умиддамиз.

ПАХТАЧИ ТУМАНИ янада кўркамлашмоқда

Ҳамза ШУКУРОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бугун юртимиз бўйлаб амалга оширилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишлари шу даражада тезлашиб кетдики, соҳада меҳнат қилаётган ишчи ва мутахассислар ғайратига қойил қолмай, илож йўқ. Фақат шаҳарларда эмас, қишлоқларда ҳам ана шундай яратувчанлик жараёни авжида. Қисқаси, қурувчиларга тиним йўқ. Улар бунёд этаётган турар жой бинолари, ижтимоий соҳа объектилари эса қишлоқ ва шаҳарларимизга кўрк бағишляпти.



Кейинги йилларда қурилиш-ободонлаштириш борасида вилоятдан анча оқибат бўлган Пахтачи туманида, айниқса, унинг марказида бажарилаётган ишлар ҳақида ҳам айнан шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин. Туман маркази янгидан бунёд этилган кўп қаватли уй-жойлар, қатор ижтимоий соҳаларга тегишли бинолар билан янада кўркамлашди.

Айни пайтда "Истиклол" маҳалла фуқаролар йиғинида "Мадина савдо белгиси" МЧЖ бунёдкорлари томонидан 5 қаватли турар жой биноси қурилиш жадвали билан олиб бориляпти. Ушбу уйлар лойиҳасини "Навоий лойиҳа" МЧЖ мутахассислари яратган. Иш юритувчи Даврон Хайдаров олиб борилаёт-

ган бунёдкорлик ишларида сифатга алоҳида эътибор қаратилаётгани, ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришгаётгани, хусусан, инспекция инспектори Сардор Сайимовнинг тез-тез қурилиш ишларидан хабар олиб тургани ҳақида гапириб берди.

Шунингдек, Бекзод Рўзимуродов раҳбарлигидаги "Alisher Devolier Company" МЧЖ қурувчилари томонидан туманининг мазкур маҳалласида яна бир янги уй-жой тикланыпти. Қурилиш корхонаси иш юритувчиси Хусан Расуловнинг таъкидлашича, 7 қаватли мазкур иншоот қисқа муддатда фойдаланишга топширилади. Бунинг учун бунёдкорлар бор имкониятлардан тўлиқ фойдаланишмоқда.

Озод юртга ободлик ярашади

Зиё СИРОЖ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Андижон вилоятида чекка маҳаллаларда, шароити нисбатан оғир ҳудудларда бунёдкорлик, ободончилик ишларини амалга ошириш ишлари кенг қулоқ ёйган. Ҳар бир туманда биттадан манзил танлаб олиниб, бу ерда инфратузилмани шакллантириш орқали аҳоли турмуш шароити яхшиланмоқда. Жумладан, Балиқчи туманидаги Зулфиқор маҳалласида барча соҳаларда туб ўзгаришлар юзага келяпти.

2300 нафар аҳоли истиқомат қилувчи ушбу мўъжазгина маҳаллада ўзига яраша муаммолар тўпланиб қолган эди. Йўл, электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви таъминотида бажарилиши



муҳим бўлган вазифалар кўндан кўн турарди. Шу боис, дастлаб коммунал соҳалардаги масалаларнинг ижобий ечимини таъминлашга киришилди.

- 394 та хонадоннинг энг катта таъмири йўл билан боғлиқ эди, - деди шу маҳаллада яшовчи Исомиддин Мансуров. - 6 километрдан иборат асосий йўл таъмирталаб ҳолатда эди. Тўғри, ўзимиз пул йиғиб, шағал тўққан пайтларимиз ҳам бўлди. Бироқ, бу муаммони ҳал қилиб бермади. Боиси, бир ма-

сумдан сўнг шағал ўрнини яна чанг турарди. Шу боис, дастлаб коммунал соҳалардаги масалаларнинг ижобий ечимини таъминлашга киришилди.

Шу пайтгача маҳалланинг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 80 фоизни ташкил этаётганди. Айрим кўчаларда яшовчи аҳоли суви узоқ масофадан ташиб келишига тўғри келган.

- Бошланган лойиҳа ишлари тўғрисида ичимлик суви билан таъминлаш даражасини 100 фоизга етказмоқчимиз, - деди "Андижон суви таъминоти" АЖ директори Дилшодбек Қўлдошев. - Бунинг учун 10,5 километрдан иборат янги қувур тортиш ва 1 та сув қудуғини ишга тушириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, мавжуд 1 та сув қудуғида реконструкция жараёни кетмоқда. Ушбу кўчадаги барча хонадонларнинг ичкари қисмига сув жўмрақлари сув ҳисоблаш ускуналари билан ўрнатиб бериляпти. Бу орқали нафақат сув-

ни, балки, истеъмолчилар тўлайдиган тўлов қийматини ҳам тежаш имконияти яратилади. Боиси, сув ҳисоблаш ускунаси ўрнатилганидан сўнг фойдаланиладиган ичимлик суви учун тўлов миқдори ўртача тўрт-беш баробарга қисқаради.

Тан олиш керак, қишлоқ ҳаётида электр энергияси таъминоти энг муҳим масала ҳисобланади. Авваллари зулфиқорликлар ҳам куз яқинлашгани сари таъминотидаги узилишларни ўйлаб, ташвишга тушибарди. Энди бунга ҳожаат йўқ. Зеро, олиб борилаётган хайрли ишлар тўғрисида маҳаллада электр таъминоти сифати янада яхшиланяпти.

- Хабарингиз бор, авваллари куз-қиш мавсумида истеъмол харажати ортгани билан электр трансформаторларида носозлик юзага келиши одат тусига кирган эди, - деди "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ вилоят ҳудудий филиали матбуот хизмати раҳбари Мухлисахон Собирова. - Бу муаммони бартарф этиш учун ҳудудга иккита трансформатор ўрнатилди. Шунингдек, 100 та устуни алмаштириш ишлари режа асосида олиб борилмоқда.

Бугун Зулфиқор маҳалласига ташриф буюрган киши борки, қатта қурилиш майдонига гувоҳ бўлади. Бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда аҳолини камбағалликдан фаровонлик сари бошловчи дастурлар ҳам ижрога йўналтирилган. Бунинг натижасида иш билан таъминланмаган маҳалладошларнинг бандлигини таъминлаш, томорқадан унумли фойдаланиш, чорвачилик, тадбиркорлик, хунарманчиликни йўлга солиш тўғрисида қўшимча даромад топиш сирлари ўргатилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Зулфиқор маҳалласи вилоятдаги намунали манзиллардан бирига айланмоқда. Зеро, озод юртга ободлик ярашади.



ФАҚАТ ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ЭМАС, ФЙДАЛАНУВЧИ ҲАМ МАСЪУЛ

Ихтиёр УМАРОВ,
"Қашқадарё сув таъминоти" АЖ
матбуот хизмати раҳбари.

Шаҳарлар аҳолиси йил сайин кўпайиб, улар учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиш кун тартибдаги доимий масалага айланган. Қолаверса, қурилатган уй-жойлар сони кескин ортиб бораётган бугунги даврда инфратузилмани ривожлантириш ҳам алоҳида эътибор талаб қилаётгани бор гап. Жумладан, бугунги кунда Қашқадарё вилояти аҳолиси сони 3,6 миллион нафарга етган ҳолда Қарши шаҳри бўйича бу кўрсаткич 300 минг нафардан ортқини ташкил қилади. Охириги ўн йилда воҳада жами 20 мингдан ортқ хонадонга эга 600 та атрофида кўп қаватли турар жой қурилган. Уларнинг катта қисми вилоят марказида қад ростлаган. Шунингдек, ҳудудда янгидан ташкил этилган корхона ва ижтимоий муассасалар сони ҳам анчагина.

Буларнинг барчаси мавжуд инфратузилма учун тушаётган юкларни ошириб юборгани рост. Қолаверса, талаб даражасига мувофиқ ривожлантириб бориш заруратини ҳам юзага чиқармоқда. Шубҳасиз, коммунал хизматларни сифатли ташкил этиш умумий инфратузилмани ривожлантириш йўналишидаги долзарб масалалар қаторида туради. Хусусан, уй-жой хўжалиги соҳасидаги кескин ўсиш, айниқса, канализация тизимидаги муаммоларни рўй-рост кўрсатиб кўйди.

Терминологияга кўра, канализация корхоналар, жамоат ва турар жой бинолари ҳамда аҳоли ишайдиган жойлардан оқизилдиган оқова сувларни



чиқариб ташлайдиган муҳандислик иншоотлари ва жиҳозлари мажмуи, шунингдек, бу сувлардан фойдаланиш ёки сув ҳавзаларига оқизилдан олдин тозалаш ва зарарсизлантириш тадбирлари ҳисобланади.

МУДДАТИНИ ЎТАГАН ИНШООТЛАР, ТАРМОҚЛАР...

Тан олиш керак, вилоятимизда аҳоли пунктларининг канализация (оқова сувларни чиқариш) хизматлари билан таъминланганлик даражаси қониқарли даражада эмас, бор-йўғи 8,5 фоизи қамраб олинган.

Ҳудудда атиги учта оқова сувларни тозалаш иншооти бўлиб, улар Қарши, Шаҳрисабз ва Муборак шаҳарлари учун мўлжалланган. Унга эҳтиёж эса ҳамма шаҳар ва туманларда бор. Мана, Муборак қавати 133 та кўп қаватли уйдан 113 таси, Нишонда 280 тадан 57 таси, Косонда 75 тадан 20 таси, Қасби туманида 74 тадан 16 таси, Яққабодда 71 тадан 7 таси, Чирокчида 57 тадан 4 таси, Миришқорда 47 тадан 2 таси канализация хизматлари билан таъминланган бўлса, Дехқон-ободаги 11 та, Қамашиддаги 37 та, Ҳузоридаги 65 та, Қарши шаҳридаги 105 та "дом"да бу тизим умуман мавжуд эмас.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, вилоятда мавжуд канализация мажмуи ҳам

ўтган асрнинг 70-йилларида қурилган иншоотлари ва жиҳозлари мажмуи, шунингдек, бу сувлардан фойдаланиш ёки сув ҳавзаларига оқизилдан олдин тозалаш ва зарарсизлантириш тадбирлари ҳисобланади.

МУАММО ЕЧИМ ТОПАДИМИ?

Аслида, канализация тизимини талаб даражасига келтириш масаласи фақатгина Қашқадарёда эмас, бошқа жойларда ҳам бор. Бинобарин, урбанизация жараёни йил сайин тезлашиб бораётгани бошқа коммунал хизматлар қаторида канализация тизимига бўлган талаб ва эҳтиёжни ҳам оширмоқда.

Мухими, бугун бу масала ечими борасида аниқ таклиф ва ҳаракатлар, амалий ишлар бор, молиявий манба ҳам мавжуд.

Халқаро молия институтлари иштирокида вилоятимизнинг икки-учта шаҳрида канализация тармоқлари ва иншоотларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш юзасидан саъй-ҳаракатлар алақачон бошланган, – деди "Қашқадарё сув таъминоти" АЖ бўлим бошлиғи Мустафо Химматов. – Ана шу ишлар доирасида вилоят марказидаги суткасига 60 минг куб метр қувватли



оқова сув тозалаш иншооти реконструкция қилинади ва 90 километр янги оқова сув тармоқлари тортилади. Натижада ҳудуддаги 33 та маҳаллада истиқомат қилувчи 250 минг аҳоли канализация хизмати билан қамраб олинади. "Қарши шаҳри канализация тизимини реконструкция қилиш ва қуриш" лойиҳасининг умумий қиймати 76 миллион долларни ташкил этади. Шундан, 60 миллион доллар Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан шакллантирилиши белгиланган. Бугунги кунда Жанубий Кореянинг Dohwa компанияси ушбу лойиҳа устида ишламоқда.

Маълум қилинишича, "Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарларида канализация тизимларини реконструкция қилиш ва кенгайтириш" лойиҳасининг умумий қиймати 99 миллион долларни ташкил этиб, унинг доирасида 2022–2027 йиллар давомида жами 874 миллион доллар халқаро имтиёзли кредит маблағлари жалб қилиниши белгиланган. Лойиҳа асосида суткасига 53 минг куб метр қувватли 2 та оқова сув тозалаш иншооти ва 500 километрдан зиёд оқова сув тармоқлари қурилади. Натижада Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарларидаги 60 та маҳаллада истиқомат қилувчи 204,4 минг аҳоли канализация хизмати билан таъминланади.

Айни пайтда лойиҳани амалга ошириш гуруҳи фаолиятини ташкил этиш (давлат рўйхатидан ўтказиш, техник вазибаларини эълон қилиш, талабгорларнинг шахсий маълумотномаларини баҳолаш) ишлари олиб бориляпти. Белгиланган лойиҳалар амалга оширилиши натижасида вилоятимизда оқова сув тизимидан фойдаланиш кўрсаткичи 8,5 фоиздан 32,6 фоизга етказилади.

Шу ўринда, кўпчиликда бу лойиҳалар нега узоқ муддатли, деган савол туғилиши табиий. Албатта, канализация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш бир йил-икки йилда тугайдиган жараён эмас. Бунинг учун Халқаро молия институтлари билан келишувга эришиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, зарур маблағни ажратиш сингари узоқ давом этадиган жараёнлардан ўтиш лозим бўлади.

КАНАЛИЗАЦИЯ – ЧИҚИДИ КЎТИСИ ЭМАС

Эскиркан бўлсада, гарчи кунора авария ҳолатлари кузатилсада, айни пайтда вилоятимизнинг йирик аҳоли пунктларида канализация тизимининг ишчи ҳолати сақлаб турилибди. Бирок, афсуски тармоқдан фойдаланиш маданиятимиз билан мақтана олмаимиз.

Назорат

Камчиликлар бартараф этилди

Нигора НОЗИМЖОНОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Юртимизда қурилиш соҳаси иқтисодийнинг муҳим устувор тармоғи сифатида белгиланган бўлиб, сўнгги йилларда амалга оширилаётган жадал ислохотлар сабабли юқори ўсиш суръатларини намоён этилмоқда. Бирок, бино ёки иншоотларни қуришда белгиланган талаблар бажарилмаса ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Сифат бор жойда кафолат ҳам бўлади. Бирок, сифатсиз бажарилган ишнинг эртасига ҳеч ким жавоб бера олмайдди. Айниқса, қурилиш ишларида сифатга алоҳида аҳамият қаратиш ўта муҳим. Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан олиб борилаётган ўрганишларда жорий йилнинг шу даврига қадар 40 дан ортқ объектларда турли камчиликлар аниқланиб, огоҳлантиришлар берилиб, қурилишларнинг сифат даражаси алоҳида назоратга олинган. Инспекция ходимлари томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, навбатдаги камчилик Чуст тумани Бирик маҳалласида фаолият олиб бораётган масъулияти чекланган жамяятлардан бири томонидан қурилатган бино-иншоотларда аниқланган.

– Объект қурилиши 2024 йил август ойида давлат рўйхатидан ўтиб бошланган, – деди объект техник назоратчиси Сухроббек Рўзиматов. – Объектни 2025 йил декабрь ойида фойдаланишга топшириш режа қилинган. Бинонинг иккинчи ва учинчи қаватларида деворларни тиклашда камчиликлар бўлган экан. Бундан кейин бу каби камчиликларга йўл қўйилмаслиги устидан қатъий назорат ўрнатилди.

Ўрганиш вақтида бинонинг ички юк кўтариш деворларида

ғишт териш ишлари лойиҳадан четга чиқиб сифатсиз бажарилгани ғишт териш ишларида ҳар 65 сантиметр қўйилиши лозим бўлган темир сеткалар қўйилмагани, деворларнинг вертикал қоклари цемент қоришмалар билан тўлдирилмагани каби камчиликлар аниқланган.

– Мазкур ҳолат бўйича ҳудудимиз сейсмик ҳудуд бўлгани сабабли бундай ҳолатлар бартараф қилинмаса, келгусида ишониларнинг соғлиғига ва ҳаётига таҳдид солиши мумкин. – деди инспектор Нурали Мелибоев. – Шу сабабли, аниқланган камчиликлар жойида бартараф этилди ва тегишли кўрсатмалар берилди. Чуст туманида қурилиш-монтаж ишларида ғишт териш ишлари ва қарқас ишларида қўйилган камчиликлар юзасидан 20 дан ортқ камчиликлар аниқланган ва улар жойида бартараф қилиниб, мутасаддиларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддасида белгиланган чоралар қўрилган.

Яхшики, камчилик ўз вақтида аниқланиб, масъулларга кўрсатмалар ва огоҳлантиришлар берилди. Келгусида сифатсиз қурилган нафақат бундай бино, балки ҳар қандай турдаги бино ва иншоотлар ўз фойдаланувчиларига турли вазиятларда хавф солиши мумкин эди.

“Дешон қалъа” туризм салоҳиятини асрашга хизмат қилади

“Ичан қалъа” Ўзбекистоннинг энг диққатга сазовор масканларидан бири ҳисобланади. Мажмуада сайёҳларни ўзига жалб қиладиган 58 та маданий мерос объектлари ва геологик ёдгорликлар, 28 дан ортқ экспозиция, 56 минг 670 та тарихий экспонат ва ашёлар, 174 та хунармандчилик дўконлари мавжуд.

2024 йилда мазкур мажмуага 1 миллионга яқин хорижий ва 3,5 миллион нафарга яқин маҳаллий сайёҳлар келган бўлса, 2025 йил якунига қадар 2 миллион нафар хорижий ва қарийб 5 миллион нафарга яқин маҳаллий сайёҳлар ташриф буюриши кутилмоқда.

Бугунги кунда “Ичан қалъа”га ёндош ва туташ бўлган “Дешон қалъа”ни ҳам сайёҳлик объектига айлантириш мақсад қилинган. Умумий узунлиги 6 минг 200 метр бўлган қалъа деворининг, афсуски, ҳозирда 2 минг метр қисми бутунлай йўқолиб кетган. 2 ярим минг метр қисми эса яроқсиз ҳолга келган. Қолаверса, ноқонуний қурилишлар олиб борилиши натижасида қалъа деворлари атрофида умуман майдон қолмаган. Тарихий ёдгорликни сақлаб қолиш мақсадида Хива шаҳрининг Шийхлар маҳалласида 55 та турар ва нотурар объектларни бошқа ҳудудларга кўчириш белгиланган. Уларнинг ўрнини эса



яшил майдонлар ва яшил боғлар барпо қилиш, дароҳт экиш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш кўзда тутилган.

Қолаверса, мажмуа деворлари миллий андозалар асосида қайта тикланиб, эски ҳолига қайтарилди ва атрофида 1 ярим метрга яқин ерда йўлақлар очилади. Шу-

нингдек, ушбу ҳудудга туташ бўлган Шийхлар ва Ангарик маҳалларида замонавий сайёҳлик мажмуаси барпо этилади. Бундай чора-тадбирлар нафақат “Дешон қалъа”ни сақлаб қолиш, балки унинг туризм салоҳиятини асрашга ҳам хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.

Мурожаатлар мукамал ўрганилмоқда

Севинч КАРИМОВА, ЎзЖОКУ талабаси.

Бугунги кунда қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг қўламини кенгайтириш сари аҳолида ҳам бу борадаги мурожаатлар сони ортиб бормоқда. Соҳада тараққиётга эришишда аҳоли мурожаатларининг ўз вақтида ва ижобий ҳал этилиши ҳам муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Хусусан, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида бу борада қатор амалий чора-тадбирлар ташкил қилинмоқда. Ҳафтанинг ҳар жума кунини вазирлик ва тизим ташкилотлари мутасаддилари томонидан “Раҳбар қабули” ташкил этилиб, унда аҳоли ўзи мурожаатини тўғридан-тўғри ташкилот раҳбарига айтиши имконига эга бўляпти.

Бевосита вазирликка келиб тушган мурожаатларга тўхталдиган бўлсак, жо-

– деди Мурожаатлар билан ишлаш ва диспетчерлик хизмати бўлими бошлиғи Бехзодбек Махмудов. – Хусусан, қурилиш ва бино-иншоотларга тегишли йўналишда 580 та, уй-жойларда умумий мулкни сақлаш ва таъмирлаш ҳамда бошқарув ташкилотларининг фаолияти бўйича 397 та, иссиқлик таъминотида тегишли масалалар юзасидан 51 та мурожаат қабул қилинган. Текшириш натижаларига кўра, 697 таси ижобий ҳал этилган бўлиб, 313 таси таъмирлаш беришга ҳамда қолган мурожаатлар тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилган.

Булардан ташқари, ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, тасдиқланган “Сайёр қабул” режа-жадвали асосида раҳбарият томонидан жорий йил давомида мурожаатлар юқори ҳамда кескин ўсган вилоятларда жами 5 та “Сайёр қабул” ўтказилган.

Бундай жонли қабуллар давомида 46 та турли мазмундаги мурожаат йўлланган бўлиб, улар ҳам тегишли тартибда ҳал этилмоқда. Таъкидлаш керакки, ҳисобот даврида мурожаатларни кўриб чиқишда камчиликларга йўл қўйилгани ҳақида ҳеч қандай муаммо аниқланмаган. Соҳада аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, тизимини тубдан такомиллаштириш ва тақрорий мурожаатлар келиб тушишининг олдини олиш мақсадида яна кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аппарат йиғилишларида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати атрофида муҳокама қилинаётгани, халқ қабулхоналари билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилгани, барча вилоятларда соҳа ташкилотларининг бир нафардан масъул ходимлари халқ қабулхонасида доимий бириктирилгани шулар жумласидандир.

“ART HOUSE”

Янги Ўзбекистоннинг янгича қарашларига эга тажрибали компания

Ҳилола ИСМАТОВА, журналист.

Жорий йилнинг 20 май санаси навоийликлар учун унутилмас кунлардан бири бўлиб қолди. Чунки кун сайин кўркем қиёфага кириб, замонавий иншоотлар, бунёдкорлик лойиҳалари билан бойиб бораётган Навоий шаҳри яна бир янгилликни қарши олди. “Янги Навоий” шаҳарчаси ҳудудида “ART HOUSE” компанияси томонидан барпо этиладиган “ART TOWER” турар жой мажмуаси қурилишига старт берилди.



Тантанали маросимда вилоят ҳокими Нормат Турсунов, вилоят бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари ва кенг жамоатчилик иштирок этди. Йиғилганлар дуога қўл очиб, янги иншоотнинг сифатли ва мукамал қурилишига тилак билдиргач, вилоят ҳокими ва мутасаддилар томонидан объектнинг рамий тамал тошлари қўйилди.

Тадбирнинг бадиий қисмида махсус концерт дастури намойиш этилиб, таниқли хонандаларнинг куй-хўшиқлари йиғилганларга кўтарингки кайфият бағишлади. Махсус замонавий экранларда компаниянинг бутунга қадар эришган натижалари, босиб ўтган фаолият йўли, ютуқлари акс этиб борди.

14 ЙИЛЛИК ТАЖРИБА НАТИЖАСИ

Албатта, ҳеч бир ютуқ ёки натижа осонлик билан қўлга киритилмайди. Бунинг ортида салмоқли меҳнат, машаққатларни енгиб ўтиш ва кенг рақобат майдонида яшаб қолиш учун тажриба, салоҳият зарур. Компания “ART HOUSE” брендига эга бўлганига 2 йил тўлган бўлсада, аслида, унинг фаолияти 2012 йилдаёқ бошланган.

Ўшанда “Горняк Извест” масъулияти чекланган жамияти сифатида фаолият қўрсатган.

Ўша йиллардаёқ соҳа билимдонларидан иборат малакали жамоа ўзини рақобат майдонида кўрсата билди ва йиллар синовидан ўтди. Бугун “ART HOUSE” компанияси таркибидан бир нечта МЧЖ фаолият юритиб, қурилиш соҳасида турли хизматларни амалга ошириб келяпти. Корхонада қурилиш материалларини четдан олиб келишга ҳожат йўқ, “ўзимизники ўзимизга” қабилида компаниянинг заводларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қурилиш ишларида қўл келиши билан бирга, ички бозор ривожига ҳам хисса қўшмоқда.

Мустаҳкам моддий-техник базага эга, мингга яқин ишчи-ҳодим фаолият олиб бораётган компания йиллар давомида юртимиз шаҳар ва туманларидаги йирик объектлар қурилишида иштирок этиб, халқнинг ишончини қозониб келяпти. Жумладан, Навоий вилояти Адлия бошқармаси биноси, Навоий шаҳар М. Таробий кўчасида жойлашган 5 ва 9 қаватли турар жой мажмуаси, Навоий кўчасида жойлашган 10 қаватли уйлarning қурилиш ишлари якунланиб, аҳоли эҳтиёжи учун хизмат қилмоқда. Булардан ташқари, Тошкент шаҳар Юсунобод туманида,



Учтепа туманининг 23-мавзесида ҳамда Уйғур кўчасида тикланган савдо дўкони, автотураргоҳ, поликлиникага эга бўлган турар жой комплексидан иборат кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилди.

Бажарилган ишлар салмоғи кўп, муҳими, ўз уйига, яшаш хонадонига эга бўлиш бахтини кўлаб оилаларга тортиқ этган “ART HOUSE” номи шу уйларда яшаётганлар учун қадри бўлиб қолади. Ахир, замонавий, мустаҳкам ва ишончли уйлар калитини қўлга киритиб, янги хонадонга илк қадам қўйиб кириш завқини бу уйларга эга бўлганлар яхшироқ ҳис этиши шубҳасиз.

МАҚСАД – ХАЛҚ ИШОНЧINI ОҚЛАШ

Айни пайтда 2025 йилнинг энг катта лойиҳаси – “Янги Навоий” шаҳарчаси ҳудудидаги “ART HOUSE” қурилиш компанияси томонидан бунёд этиладиган “ART TOWER” турар жой мажмуаси қурилиш ҳамюртларимиз томонидан ўзига хос қизиқиш билан қарши олинди.

– “Янги Навоий” шаҳарчаси ҳудудидаги 6 кетар ер майдонида компания томонидан 1 та 30

қаватли, 1 та 25 қаватли, 13 та 14 қаватли, 11 та 16 қаватли уйлар ҳамда бизнес марказлари, ижтимоий соҳа объектлари қурилиши кўзда тутилган, – деди компаниянинг “ART TOWER” турар жой мажмуаси иш бошқарувчиси Омонкул Минглиев. – Айни пайтда уйлар қурилиши учун ер ишлари олиб борилмоқда. Ер ишларини асосан компания таркибидagi “KONDIR NAVBAHOR” МЧЖ жамоаси меҳнатқашлари бажармоқда. Қурилиш ишларини босқичма-босқич, белгиланган муддатларда олиб бориш учун тажрибали архитектор, муҳандис ва қурувчиларни жалб этганмиз. Ҳар бир жараён замонавий кузатув камералари орқали раҳбарият томонидан назорат қилиб турилади. Чунки сифат ва масъулият билан бошланган ишда унум ва барака бўлади.

Бугун соҳада фаолият юритаётган қурилиш ташкилотлари, йирик компаниялар ўртасида кучли рақобат муҳити шаклланиб улгурди. Бу жараёнда фақат сифатли иш услубига эга компанияларгина мижозлар ишончига кирмоқда. Замон талаби ҳам шундай, сон эмас сифат муҳим. Янги Ўзбекистонимизнинг янги ғояларига ҳам-оҳанг равишида меҳнат қилаётган “ART HOUSE” компанияси ҳам халқ ишончини қозониб, юксак чўққиларини забт этишига тилақдошмиз.

Сейсмик хавфсизликни таъминлаш масаласида йиғилиш

Ғайрат БҮРИЕВ, Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Ахборот хизмати бош мутахассиси.

Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси мажлислар залида аҳоли ҳаёти ва мулки хавфсизлигини таъминлаш, ҳудудларда зилзилабардошлик даражасини ошириш масалаларига бағишланган ишчи гуруҳнинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.



Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, ишчи гуруҳ раҳбари Сирожиддин Мирзаев, Бош прокуратура масъул ходими Ш. Мадумаров, Сурхондарё вилояти прокурорининг ўринбосари Х. Қулиев, вилоят прокуратураси ҳузурдаги қурилиш штаби бўлими бошлиғи У. Қурбонов ҳамда соҳага алоқадор қатор ташкилотлар раҳбар ва мутахассислари иштирок этдилар.

Мулоқот давомида ҳудудларда мавжуд кўп қаватли турар жой биноларининг зилзилабардошлик ҳолати, уларда истиқомат қилаётган фуқароларнинг сейсмик хавфсизлик даражаси, қурилиш ишлари жараёнида қонунчилик талабларига амал қилиниши ҳолати атрофича муҳожама этилди. Таъкидланганидек, юртимиз сейсмик фол ҳудудлар қаторига киргани боис, ҳар бир турар жой объектнинг техник ҳолати, унинг мустаҳкамлиги ва хавфсизлиги доимий равишда таҳлил этилиши зарур. Зеро, хавфсизликни таъминлашнинг асосий омили – бу қурилишда қонунчилик ва технологик талабларга қатъий риоя этилишидир.

Йиғилиш якунида ишчи гуруҳ томонидан бир қатор аниқ вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, мавжуд биноларнинг ҳолатини баҳолаш, зарур ҳолларда реконструкция ишларини амалга ошириш, янги қуриладиган биноларга бўлган талабларни қучайтириш, лойиҳа ҳужжатларининг экспертизасини янада қатъийлаштириш ва бу жараёнда манфаатдор ташкилотлар ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди.



“Chimgan Residence” МЧЖ

томонидан Тошкент вилояти, Паркент туманида қуриладиган замонавий меҳмонхона биноларининг қурилиш ишларини техник назорат қилиш учун техник назоратни амалга оширувчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Тижорат таклифлари ўрнатилган тартибда қуйидаги манзилга 2025 йил 31 майга қадар такдим этилиши лозим: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор кўчаси, 52-“В” уй.
Мурожаат учун тел.: 88-198-78-48.
Электрон почта: psb_capital@mail.ru

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ!

“O‘zbekiston bunyodkori” газетасининг 2025 йил 20 майдаги 44 (897)-сонидagi “NOVIY DOM TASHKENT” МЧЖнинг 2025 йил 15 майдаги 102-сонли буржманомасига асосан Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Боғикалон кўчаси, 27-уй манзилида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони – 3 000,0 квадрат метр, умумий қурилиш майдони – 238,3 квадрат метр, яшаш майдони – 153,14 квадрат метр, умумий фойдали майдони – 299,2 квадрат метрдан иборат бино-иншооти

тўғрисида чоп этилган эълонда кўрсатилган электрон-онлайн савдо вақтинча тўхтатилганини маълум қиламиз.

Асос: “NOVIY DOM TASHKENT” МЧЖнинг 2025 йил 20 майдаги 108-сонли хати.
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.
Телефон: 7 1-237-23-82.

001805 рақамли гувоҳнома.

“ЧИРОҚЧИ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Чироқчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларининг 2024 йил якунлари бўйича йиллик умумий йиғилиши 2025 йил 10 июнь кунини ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 14.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Мустақиллик кўчаси 53-уйда жойлашган “Чироқчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 13.00 да бошланади.

Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.chiroqchixpaxta.uz

Кун тартибидagi масалалар:

- Умумий йиғилиш регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича жамият бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
- Жамият Кузатув кенгашининг 2024 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
- Жамият ташқи аудиторининг 2024 йил

молия-хўжалик якуни бўйича ҳулосасини тасдиқлаш.

6. Жамиятнинг 2024 йил якуни ва эски йиллардан тақсимланмасдан қолган соф фойдаси (зарарни) тақсимлаш.

7. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.

8. Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.

9. Жамиятнинг 2025 йил учун белгиланган харажатлар сметасини тасдиқлаш.

10. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.

11. Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг 2025 йил 25 февралдаги 17-сонли (2025 йил 25 февралда VM-21/25-17-рақам билан тасдиқланган) йиғилиш баёнига (3-илова) асосан омордаги товар-моддий бойликларни “e-auction” электрон савдо платформасига чиқариш.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантирилдиган сана – умумий йиғи-

лишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2025 йил 19 май ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2024 йил 4 июнь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Чироқчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносинда танишишлари мумкин.

Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Мустақиллик кўчаси, 153-уй.
Тел.: 99-742-48-78, 93-247-85-48.

Электрон почта: chiroqchixpaxta@mail.ru
“Чироқчи пахта тозалаш” АЖ ижроия органи.

Паоло МАТТЕУЗЗИ: “Zaha Hadid Architects” компаниясининг Янги Тошкент қурилишида иштирокидан мамнунмиз

Янги Тошкент шаҳри қурилишининг биринчи босқичида барпо этилаётган энг йирик ва инновацион лойиҳалардан бири – Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳисобланади. Ушбу бетақрор мажмуа жаҳонга машҳур архитектура компанияси – “Zaha Hadid Architects” томонидан лойиҳалаштирилган.

Янги Тошкент дирекцияси Ахборот хизмати раҳбари Шаҳноза НУРМАТОВА компания директори Паоло МАТТЕУЗЗИ билан ушбу жараён қандай кетаётгани, лойиҳанинг яратилиш тарихи ҳамда ўзига хослиги ҳақида суҳбатлашди.

Заҳа Ҳадид – инновацион меъмор. У Бағдод шаҳрида туғилган. Лондондаги Архитектура ассоциацияси мактабини тугатган. 2004 йилда Прицкер мукофоти билан (архитектура Нобель мукофоти) тақдирланган. Асосий ёндашуви – параметрик дизайн ва инновацион архитектура. 1979 йили Лондонда “Zaha Hadid Architects” компаниясига асос солган.



– Биз билан суҳбатлашишга вақт ажратганингиз учун катта раҳмат. **Жаноб Маттеуззи**, аввало, Янги Тошкентда бунёд этилаётган Алишер Навоий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот маркази лойиҳаси ҳақида дастлабки таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз. Бу лойиҳа компаниянгиз учун қандай аҳамиятга эга?

– Аввало, мени бу ерга таклиф қилганингиз учун сизларга миннатдорчилик билдираман. Тошкентга келиш – ажойиб туйғу. Шунингдек, лойиҳа дирекцияси ва барча ҳамкорларга амалга ошираётган улкан ишларида зафарлар тилайман. Бу шаҳар қанчалик тез ривожланаётганини кўриш ва Янги Тошкентнинг туғилаётганига гувоҳ бўлиш жуда хайратланарли. Шахсан ўзим учун ҳам, компаниямиз учун ҳам ушбу лойиҳа катта ютуқ ҳисобланади. Музейлар ва маданий маконлар ҳар доим “Zaha Hadid Architects” (ZHA) компаниясининг асосий фаолият йўналишларидан бири бўлган.

2002 йилда Римдаги Замонавий санъат музейи лойиҳаси орқали “Zaha Hadid Architects”да фаолиятимни бошлаганман. Орадан йигирма йилдан ортиқ вақт ўтиб, яна янги ва ўзига хос маданий муҳитда ишлаш имкониятига эга бўлганимдан жуда мамнунман. Маданий маконлар жамиятлар ўртасида

кўприк бўлиб хизмат қилади ва ушбу жараённинг бир қисми бўлиш мен учун шараф.

– Лойиҳанинг энг кўп қайси жиҳати сизни ҳайратлантирди?

– Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази Шашмақом мусикасига бағишлангани мени ҳайратга солди ва янада илҳомлантирди. Шашмақом – Ўзбекистоннинг бебаҳо номоддий маданий мероси бўлиб, унинг учун махсус майдон яратиш жуда катта масъулиятдир. Бу мусиқа нафақат концерт залларида, балки кундалик ҳаётнинг турли жабҳаларида, кўчаларда ва шахсий ҳаёт муҳитида ҳам яшаб келган. Шу сабабли, ушбу қадриятларни бир маконда жамлаб, уларни маданий майдон орқали акс эттириш биз учун ажойиб тажриба бўлди.

– Лойиҳада анъанавий очиқ ажл-формаларни замонавий архитектура билан қандай уйғунлаштирдигиз? Ушбу мувоzanат қандай таъминланди?

– Компаниямизнинг асосий тадқиқот ёндашуви параметрик дизайнга асосланган. Параметрик дизайн – бу макон ва муҳитни доимий тарзда ўзгартириш, эволюция қилиш имконини берувчи услубдир. Ўзбекистоннинг бой меъморий анъаналаридан илҳомланиб, уларни замонавий ва келажак сари йўналтирилган шаклда акс эттиришга

ҳаракат қилдик. Натижада биз ўтмиш ва келажак ўртасидаги рамзий ва физик кўприкни яратдик.

– Лойиҳа барқарорлик, энергия тежамкорлик ва ақли технологияларни ўз ичига олади. Шу жиҳатлар ҳақида батафсилроқ маълумот бера оласизми?

– Ушбу ёндашув аслида, Ўзбекистоннинг иқлим шароити ва анъанавий меъморчилигига чуқур ҳурмат асосида шаклланган. Лойиҳада кўпроқ маҳаллий иқлимга мослашган пассив дизайн усуллари алоҳида аҳамият берилди. Бу технология ечимлар аввало, табиий шамоллатиш, қуёш энергиясидан фойдаланиш ва бионинг ички микроклимини яхшилашга қаратилган. Шундай қилиб, бино нафақат экологик, балки функционал жиҳатдан ҳам фойдаланувчиларга қулай шароит яратишга хизмат қилади.


– Компаниянгиз илгари Боку ва Римдаги фан ҳамда маданиятни уйғунлаштирган шунга ўхшаш лойиҳаларда иш олиб борган экан. Ушбу лойиҳалар билан Тошкентдаги лойиҳа ўртасида қандай ўхшашлик ёки фарқларни кўряпсиз?

“ZAHA HADID ARCHITECTS” УСЛУБИ:

- Мураккаб ва оқимли шакллар
- Шаҳар ландшафтига уйғун интеграция
- Замонавий маданий ва жамоат марказларини яратиш
- Урбанизм, архитектура ва дизайн уйғунлиги.

МАШҲУР ЛОЙИҲАЛАРИ:

- Лондондаги The Serpentine Sackler Gallery;
- Aquatics Centre;
- Хитойдаги Guangzhou Opera House;
- Пекиндаги Daxing халқаро аэропорти;
- Римдаги MAXXI – Миллий санъат музейи;
- Бокудаги Heydar Aliyev маданият маркази (суратда).



– Янги Тошкентдаги лойиҳа ўзига хос ва ноёб ҳисобланади. Ўзбекистоннинг XIV-XV аср меъморий обидалари шаҳар манзарасига жуда катта таъсир кўрсатади. Шу сабабли энг аввало, бу қадимий биноларни чуқур ўрганиб, уларнинг моҳиятини келажак авлод учун қандай етказиш мумкинлигини аниқлашга ҳаракат қилдик. Фарқи шундаки, бу сафар халқаро архитектура услубларига эмас, балки Ўзбекистоннинг табиий ва маданий илдизларига асосланган технологиялардан илҳом олдик.

– Сизнингча, Янги Тошкент шаҳри келажакда халқаро миқёсдаги архитектура марказига айланиш имкониятига эгами?

– Шубҳасиз, Янги Тошкент – келажакда халқаро даражадаги архитектура марказига айланади. Шаҳар бош режаси мукамал, Дирекция ҳам ажойиб тарзда иш олиб бормоқда. Бугун бу лойиҳа нафақат жаҳоннинг таниқли архитекторларини жалб қилмоқда, балки маҳаллий мутахассисларнинг салоҳиятини ҳам оширяпти. Ишонаманки, Янги Тошкент яқин келажакда туризм ва инновациялар учун йирик марказга айланади.

– Шаҳсий ва профессионал жиҳатдан ушбу лойиҳа сиз учун нимани аналтади?

– Шахсан мен учун яна бир маданий лойиҳа устида ишлаш – кат-

та шараф. Профессонал фаолиятимда йигирма йилдан ортиқ тажрибамни ушбу лойиҳага олиб келганимдан фахрланаман. “Zaha Hadid Architects” сўнги ўн йил ичида сезиларли даражада ривожланди – ходимларимиз сони 300 дан 500 нафарга ошди. Биз дунёнинг турли бурчакларидан истеъдодли архитекторларни жалб қилдик ва ички тадқиқот бўлимимиз ҳам сезиларли равишда кенгайди. Ушбу лойиҳа учун энг яхши билим ва тажрибамизни сафарбар қилганимиз. Муҳандислик ва энергия самардорлиги бўйича етакчи мутахассислар билан ҳамкорлик қилганимиз. Ландшафт дизайни эса “Emscape” компанияси билан биргаликда олиб боришмоқда. Маҳаллий муҳандислар ва архитекторлар билан биргаликда ишлаш ҳамда Дирекция кўмаги билан лойиҳани ҳар томонлама мустақамлаш – бу ҳақиқатан ҳам илҳомлантирувчи тажриба бўлмоқда.

– Суҳбат учун ташаккур. Юртимизда бундай улуг лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши – нафақат архитектура, балки маънавий ва илмий тараққиёт йўлидаги муҳим қадамдир. Ишонимизки, бу марказ нафақат ўзбек халқига, балки бутун дунё илмий ва маданий жамоатчилигига хизмат қилади. Сизга ва жамоангизга куч-қувват ҳамда улкан муваффақият тилаймиз!

Фахрийлар

ЯРИМ АСРЛИК САМАРАЛИ МЕҲНАТ НАТИЖАСИ

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мушбири.

Қорақалпоғистон Республикасида минтақани ривожлантиришда фидойилик кўрсатиб, унинг гуллаб-яшнаши йўлида хизмат қилаётганлар жуда кўп. Ана шундай улуг мақсадни олдиға қўйганлардан бири – Жалғасбай Бердихановдир.



Жалғасбай оға Тошкент политехника институтининг архитектура бўлимини тугатгач, дастлабки меҳнат фаолиятини Урта Осиё чўл қурилишини лойиҳалаш институтининг Нукус филиалида лойиҳачиликдан бошлади. Туғилган юрти истикболини ўйлаган архитекторнинг юзга яқин лойиҳалари асосида Нукус, Тахиятош шаҳарлари ва Беруний, Амударё, Тўртқўл каби туманлар марказида турли кўринишдаги бинолар қурилиш, фойдаланишга топширилди ва ҳозирги кунда ҳам улар ўз кўрқини йўқотмай келяпти.

Касбини пухта ўзлаштирган меъмор эллик йиллик меҳнат фаолияти давомида турли лавозимларда ишлади. Утган даврда касбий маҳоратини юксалтириш баробарида ёшларни хунарга ўргатиш ва уларни ватанга садоқат руҳида тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Унинг маслаҳати ва тажрибаларидан баҳраманд бўлган кўплай йигит-қиз меъморчилик касбини ўзлаштириб, бугунги кунда ажойиб лойиҳалар яратишга ва ҳудуднинг бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этишмоқда.

Жалғасбай Бердиханов “Нафақага чиқволдим, бу ёнига дам олсам бўлади”, деб қўл ковуштириб ўтирадиганлар тоифасидан эмас. Бир

неча йилдан буюн Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Шаҳар-туман қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш шўъбаси бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

– Оролбўйи минтақасида ер структураси қурғоқчилик туфайли кескин ўзгариб кетди, – деди қаҳрамонимиз биз билан суҳбатда. – Шунинг учун қурилиш мўлжалланган ҳар қандай объект лойиҳасини тайёрлашдан аввал, архитекторлар билан биргаликда ўша жойга чиқиб, бино учун қандай жой танлангани, у ерда қад ройлашдиган иморатга мосми ёки йўқми каби талаблар қайта-қайта ўрганилади.

Оқсоқол бу борада тизимдаги барча ҳам-касбларига ўрнатилган кўрсаткич, иш аввалини ҳудудларда қурилиш режалаштирилган объектларни кўришдан бошлади. Унинг ярим асрлик меҳнатлари зое кетмади. Фидойилиги давлатимиз томонидан бир неча бор рағбатлантирилган. Обод ва фаровон ҳаётимизни таъминлашга муносиб ҳисса қўшган ва қўшиб келаятган бундай кишилар ҳар қандай эҳтиромга, қадр ва қий-матга эга.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2025 йил май ойининг 27-29 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ ички аудит бўйича бош мутахассис **Фаррух Эркабоев**,

“Ўзоғирсанотлоийиҳа” АЖ ООПР қоровули **Абдурашид Аҳмедов**, АСС-2 дизайн муҳандиси **Назиржон Мардонов**,

“Ташгипрогор” АЖ бош архитектори Тоҳир Садиқов, ГАП сектор раҳбари **Александр Калисламов**,

“O'zshaharsozlik LITI” ДМ Шаҳарсозлик хўж-жатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 4-ўста-хонаси архитектори **Жавоҳир Баҳодиров**, “Самарқанд” филиали архитектори **Достон Эсанов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Му-рожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахас-сиси **Исламбек Нурабуллаев**, Беруний тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўли-ми бош архитектори **Элёр Қаландаров**, Хўжай-ли тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжа-лиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Тазабай Калдыбаев**,

Анджон вилояти Булоқбоши тумани ку-рилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўли-ми уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Шоҳруҳбек Исмоилов**, фаррош **Мадинахон Джанбекова**,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой комму-нал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси лаборанти **Игитали Тўймуро-дов**, бош мутахассис **Муҳаммад Мусо Исабаев**,

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР,
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲҚАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

Ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш ва соғлиқни мувофиқлаштириш ҳамда оқова сув хизматларидан фойдаланиш бўлими бошлиғи **Оқилжон Ҳамраев**,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бўлим бошлиғи **Элбек Сагаторов**, мутахассис **Сардор Жонузақов**,

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари – вилоят бош архитектори **Тўлқин-жон Султонов**, фаррош **Хайри Қурбанова**,

Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги “Га-лаба уй-жой коммунал” МЧЖ БСК бош дирек-тори **Мақсуда Примова**, “Қурувчи Жаҳонгир” МЧЖ БСК бош директори **Баҳром Ҳакимов**,

Қашқадарё вилояти Нишон туманида-ги “Nuriston Komfort Komunal Boshqaruв Kompaniya” МЧЖ бош директори **Баҳриддин Аҳмедов**, Яқкабғоғ туманидаги “Яқкабғоғ бош-қарув сервис” МЧЖ БСК бош директори **Зоҳид Дўсмуродов**,

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида-ги “Demetra Capital Development Servis” МЧЖ БСК бош директори **Нилуфар Умарова**, Яқкасарой туманидаги “AB Houses servis” МЧЖ БСК бош директори **Шоҳруҳ Тўхтастимов**,

Тошкент шаҳар Чилонзор туманида-ги “Xalqchi-Servis” уй-жой мулкдорлари ширкати бошлиғи **Олимжон Рўзмухамедов**ларни тавал-луд кунин билан чин дилдан муборакбод этамиз.



IJTMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Ҳидоятлов,
(Таҳрир хайъати раиси),
Давронжон Адиллов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожиддин Эшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдуш Мағрупов,
Бобир Эмүрдов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусакхих **Марҳамат Мусулмонкулова**

Газета “Ўзбекистон бунёдкори”
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСАЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
“Ўзсанотқурилишматериаллари”
уюшмаси, “ЎзГАНЖЛИТИ” МЧЖ,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий қўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (кабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна
бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-658-50-43.
Анджон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г- 541.
2006 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоши келишилган
наҳдда. ISSN 2181-8762. Таҳририятта
кечган қўлғазмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Этамбердиев.

Ўза якуни – 22.00.
Тошпирилди – 23.30.